

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

№ ВМ – 343 - 5А340604 – 2.05

« 1 » Июль **2003 й**

«ТАСДИҚЛАНДИ»

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги

« 8 » Июль **2003 й**

**КОРПОРАТИВ МОЛИЯНИ
БОШҚАРИШ
фанидан
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 -«Бизнес ва бошқарув»
таълим соҳасидаги 5А340604 - «Корхона молияси»
магистратура мутахассислиги учун**

Тошкент-2003

Тузувчилар: доц. Жамолов Х.,
асе. Жўрабоев Қ.

Такризчилар: проф. Маликов Т.С.,
доц. Асатуллаева Д.

Мазкур дастур ҳозирги шароитда корпоратив молияни бошқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг илмий-услубий асосларини ўз ичига олади ҳамда иқтисодий олий ўқув юртларида магистратуранинг "Бизнес ва бошқарув" соҳаси "Давлат маблағларини бошқариш" мутахассислиги магистрантлари учун мўлжалланган. Дастурда корпоратив молияни бошқаришнинг моҳияти, хусусиятлари, Ўзбекистон Республикасида корпоратив молияни ташкил этиш ва бошқаришнинг замонавий муаммолари ёритилганки, улар маъруза, амалий (семинар) машғулоти ва мустақил таълим мавзуларининг моҳиятини ташкил этади. Дастурда мазкур предметни ўрганиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати узбек, рус ва инглиз тилларида келтирилган. Шу билан бирга рўйхат сўнггида мазкур курснинг тегишли мавзулари бўйича Интернет сайтлари ва компьютер ўқув дастурлари рўйхати ҳам илова қилинган.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель, 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль, 37-сонли мажлис баёни).

Данная программа включает в себя теоретические и научно-методические основы организации управления корпоративными финансами в современных условиях и предназначена для магистрантов направления "Финансы" сферы "Бизнес и управление". В программе освещены сущность, функции, звенья и современные методы организации корпоративного управления финансами, особенности и современные проблемы организации финансов предприятий в Республике Узбекистан, которые отражают суть вопросов лекционных, практических (семинарских) занятий и тем самообразования. В программе приведен список литературы для изучения предмета на узбекском, русском и английском языках. В конце списка приложены списки сайтов Интернета и компьютерных учебных программ по соответствующим темам курса.

The given manual is intended for the students of economic high schools.

The specialists working on Finance system will be guided in questions of the subject Finance management.

Market conditions require high qualified experts to provide economic growth, to effectively managing of Public and companies finances In subjects of the given late the theoretical questions concerning management of both companies and public finance.

The given rate of lectures stipulated by the program will help the students the basic theoretical aspects necessary for the decision of problems connected with financial management

1. СЎЗ БОШИ

Фанни ўқитишнинг мақсади ва вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши

"Корпоратив молияни бошқариш" фанини ўқитишнинг мақсади - келгусида юқори малакали иқтисодчи мутахассислар бўлиб етишадиган магистратура талабалар учун Ўзбекистан Республикасида корпоратив молияни бошқаришни ташкил этиш ва бошқариш асослари ҳақида назарий билимлар бериш, уларда давлатнинг бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги корхоналар молиявий сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича кўникмалар ҳосил қилишдан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, фан ўз предметини ўргатиш учун қуйидаги вазифаларни кўяди:

- корпоратив молияни бошқаришнинг иқтисодий моҳияти аҳамияти, вазифалари ва таркибий тузилишини ўрганиш;
- корхонанинг оборотдан ташқари активларини молиялаштириш асосларини ўрганиш;
- корхона айланма маблағларини молиялаштириш асосларини ўрганиш;
- корхона маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот сотишдан тушумини ўрганиш;
- корхона фойдасининг моҳияти, турлари, тақсимланиши, ишлатилиши ва режалаштирилишини ўрганиш;
- корхона фойдасининг солиққа тортилиши асосларини ўрганиш;
- корхона фаолиятини молиялаштириш ва кредитлаштириш асосларини ўрганиш;
- пул муомаласи ва ҳисоб-китоблар тизимини ўрганиш;
- корхонада баҳо шаклланишининг асосларини ўрганиш.

"Корпоратив молияни бошқариш" фани "Молия", «Корхоналар молияси», "Микроиқтисодиёт", "Иқтисодий назария" каби фанлардан олинган назарий асосларга таянади.

Шу билан бирга "Корпоратив молияни бошқариш" фани қатор махсус фанлар, жумладан, "Ўзбекистан Республикаси бюджет тизими", "Маҳаллий молия" "Бюджетлараро муносабатларни мувофиқлаштириш", "Халқаро молиявий муносабатлар", "Фирма молияси", "Молия стратегияси", «Корпоратив бошқарув», "Қимматли қоғозлар бозори" каби фанларни ўзлаштириш учун назарий-услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Олий таълим йўналиши ёки мутахассислиги давлат таълим стандартига (ДТСга) мувофиқ равишда ўқув фани бўйича билим, кўникма ва малакаларига талаблар

Ушбу фанни ўрганиш жараёнида магистрантлар тегишли билимга, ўқувга ва ўникмаларга эга бўлишлари лозим. Магистрантлар умумназарий фанлардан олган билимлари билан бир қаторда молиявий қонунчилик, оммавий-ахборот воситалари орқали кундалик молиявий ўзгаришлардан хабардор бўлишлари лозим. Мазкур фаннинг асосий ғояларини тўла ва муваффақиятли ўрганиш учун талабалар молия амалиётида мавжуд иқтисодий таҳлил, молиявий режалаштириш усуллари билан фойдалана билишлари лозим.

«Корпоратив молияни бошқариш» фанидан олинган билимлар талабаларни олий ўқув юртини тамомлагандан сўнг, молия амалиётига оид кундалик фаолиятда учрайдиган долзарб амалий масалаларни ечишда ҳамда халқаро молия

муносабатларига доир адабиётларни ўрганиб малакаларини оширишларида қўл келади.

Амалий, семинар ва лаборатория машғулоти бўйича бажариладиган ишлар миқдорига минимал талаблар

Ишчи ўқув дастурида келтирилган амалий (семинар) машғулотлар мавзулари бўйича талабалар тегишли мавзулар бўйича конспектлар олади, рефератлар ва мустақил ишлар тайёрлайди ҳамда амалиёт ўқитувчиси назоратида улар юзасидан оғзаки суҳбатдан ўтади. Ушбу талаблар амалий машғулотлар мавзуларида курсив билан кўрсатилган саволлар бўйича талабаларнинг тўлиқ ўзлаштиришларини белгилайди.

Аудитория машғулоти турларининг соатлар ҳажми (фоизларда) бўйича тавсиялар

Олий касбий таълимнинг давлат стандартларида мазкур курсга 90 соат вақт ажратилган. Уларнинг 20 соати маъруза, 40 соати амалий машғулотлар ва 30 соати мустақил таълимдир. Ушбу фан бўйича дарсларни ташкил этиш III ўқув семестрига мўлжалланган.

Талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори

Ушбу фан бўйича талабаларнинг ўзлаштириш даражаси ўқув рейтинг тизими бўйича жорий, оралик ва якуний баллар асосида аниқланади.

Фанни ўқитишнинг бир семестрида икки маротаба жорий баҳолаш (семинар машғулотида), икки маротаба оралик (маъруза машғулотида) ва бир маротаба якуний баҳолаш (ёзма иш усулида) амалга оширилади.

Компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиш **технологияларини** қўллаш

Қуйидагилар ушбу фанни ўқитиш жараёнида янги технологиялардан фойдаланиш асосларини ташкил қилади:

- тегишли ўқув мақсадларини ишлаб чиқиш технологиясининг мавжудлиги;
- тўла ўзлаштириш технологияси кўзда тутилганлиги;
- ўқув мақсадларини назорат (тест) топшириқларига ўтказиш технологияси мавжудлиги;
- "тест топшириқларининг инвариантлиги методологияси ва назарияси"дан фойдаланилиши;
- "муаммоли усул ва ҳақиқатни имитацион моделлаштириш" асосларидан фойдаланилиши;
- таянч ибораларга асосланган "Ёзма иш" орқали назорат ишларини ўтказиш тизимидан фойдаланилиши.

Бу фанни ўқитишда молияга тегишли қонунлар, ҳукумат қарорлари, молиявий ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизими ("Молия" АИЖ) дастури, низомлар ва молиявий лойиҳаларни баҳолашнинг ЮНИДО ва "Project expert" компьютер дастурларидан, янги компьютер технологиялардан, тарқатма материаллардан, тестлар тўпламидан ҳам фойдаланиш мумкин

Ишчи дастурни тузишга оид услубий тавсиялар

Мазкур фан "Қорхоналар молияси" магистратура таълим мутахассислигига тегишли тарзда 3-семестрда ўтилиши мўлжалланган. Ушбу фан бўйича ишчи ўқув дастури тузишда:

- фан бўйича магистратура босқичининг тегишли йўналишларига тасдиқланган ўқув режасига мувофиқ ажратилган соатлар ҳисобга олиниши;

- ҳар бир мавзуга оид ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар ҳамда тегишли молиявий қонунчилик асосидаги янги талаб ва ўзгаришлар талабалар эътиборини жалб этадиган даражада берилиши;
- мустақил ўзлаштириладиган мавзулар ва саволлар ажратилиб кўрсатилиши;
- ўқитишнинг илғор технологиялари, дастурий таъминот имкониятлари ҳамда талабалар билими даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизими талабларидан келиб чиқувчи вазифалар ҳ ёритилиши лозим.

2. ФАН ДАСТУРИ

"Корпоратив молияни бошқариш" фани бўйича маъруза машғулоти мавзулари

«Корпоратив молияни бошқариш» фанининг предмет ва вазифалари

Фаннинг предмети ва вазифалари. Молия тизимининг шаклланишида корпоратив молияни бошқаришнинг тутган ўрни ва моҳияти. *Кор.г.онашимг молиявий механизми.* Иқтисодийнинг эркинлашуви шароитида корпоратив молияни бошқаришни ташкил этиш асослари, уларни шакллантириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари.

Корпоратив молияни бошқаришни ташкил этиш ва шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Корхоналар молиявий муносабатларининг мазмуни. Корхоналар ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва уларнинг корхоналар молиявий муносабатларининг ўзига хос хусусиятларига таъсири. Акционерлик жамиятлари (очик, ва ёпиқ акционерлик жамиятлари) молияси. Қўшимча масъулиятли ва масъулияти чекланган жамиятлар молияси.

Кичик корпоратив молияни бошқариш. Хусусий корпоратив молияни бошқариш. Корхоналарнинг бюджет ҳамда нобюджет фондлари, тижорат банклари ва бошқа муассасалар билан муносабатлари. *Корхоналардаги молия хизматининг функцияси ва вазифалари.*

Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари, уларни режалаштириш ва молиялаштириш

Корхоналарда «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи таркибига киритилувчи харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом» га асосан харажатлар таснифи. Корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари таркиби, бўлим ва моддалари. Корхоналарнинг асосий фаолияти бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари сметасини тузиш тартиби. Корхоналарнинг асосий фаолияти бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш. *Маҳсулот, таннархини шакллантириш жараёнларини бошқариш ва назоратни амалга оширишда молия менежментининг роли ва аҳамияти.*

Корхонада пул тушуми, уни режалаштириш ва тақсимлаш

Иқтисодийнинг эркинлашуви шароитида корхоналар фаолиятида баҳолар тизими, унинг таркиби ва баҳонинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар. Корхонада маҳсулот сотишдан тушган тушумни режалаштириш. Оддий ва иқтисодий ёки аналитик услуб. Маҳсулот сотишдан тушган тушумни тақсимлаш тартиби.

Корхоналарда фойда ва рентабеллик

Корхоналар фойдасининг мазмуни, моҳияти, функциялари Иқтисодийнинг эркинлашуви шароитида корхоналар фойдасининг аҳамияти. Фойда - соф даромад сифатида. Корхоналар фойдасининг турлари ва уларнинг хусусиятлари. *Корхона ялли фойдасининг моҳияти ва аҳамияти.* Корхона соф фойдасининг моҳияти ва аҳамияти. Фойданинг тақсимланиши ва ишлатилиши тартиби. Корхона фойдасп шаклланишга таъсир этувчи омиллар ва уни кўпайтириш имкониятлари. *Корхона фойдасини режалаштириш асослари.*

Корхоналар даромади (фойдаси) ни солиққа тортиш

Корхоналар даромади (фойдаси)дан тўланадиган солиқларнинг туркумлаштирилиши. Солила *тортилувчи фойда микдорини аниқлаш.* Амалдаги солиқ қонунчилигида корхоналар учун мавжуд солиқ имтиёзлари ва улар амал қилишининг самарадорлиги таҳлили *Корхоналарнинг фойда солиги бўйича бюджетга тўловларини ҳисоблаш ва ўтказилиш тартиби.* Корхоналарнинг самарали фаолиятини рағбатлантиришнинг солиқ механизми. Корхоналарнинг солиқ юки ва уни камайтириш имкониятлари таҳлили.

Корхоналарда баҳони ташкил этиш

Бозор шароитида баҳони шакллантиришнинг омиллари ва хусусиятлари. Бозор тараққиёти босқичларига кўра баҳо шаклланишининг хусусиятлари. Тажиба-синов босқичида баҳо сиёсати, экспансия босқичида баҳо сиёсати, ортиқча ишлаб чиқариш шароитида баҳо сиёсати, стагнация ва ишлаб чиқаришнинг қисқариши шароитида баҳо сиёсати. *Ишлаб чиқариш харажатларининг баҳо гуақлланишига таъсири.* Корхона фойдасининг баҳо шаклланишига таъсири. Корхонанинг баҳо сиёсати ва баҳони шакллантириш стратегияси. *Харидорларнинг бсцго даражасига мойиллиги.* Баҳони ҳисоблашда риск даражасининг баҳоланиши. *Корхонада баҳони шакллантириш стратегиясининг тпугри танланиши.*

Корхоналарнинг ўз капиталини бошқариши

Корхона ўз капиталининг таркибий тузилиши, моҳияти ва корхона молиясини бошқаришдаги аҳамияти. Корхона ўз капиталини шакллантириш сиёсатининг асосий вазифалари ва ҳозирги замон муаммолари. *Корхона ўз капитали алоҳида элементларининг молиявий баҳоланилиши.* Корхона эмиссия сиёсатининг долзарб вазифалари ва ҳозирги замон муаммолари. Корхона дивиденд сиёсатининг мазмуни, вазифалари ва ҳозирги замон муаммолари. *Корхона ўз капиталидан фойдаланиш самарадорлигини молиявий баҳолаш мезонлари.*

Корхона молиявий активларини бошқариш

Корхона молиявий инвестицияларининг зарурлиги, моҳияти ва шакллари. Корхона қимматли қоғозлари портфеллари ва инвестицион стратегияларининг турлари. *Акционерлик жамияти қимматли қозғалари портфелини бошқаришга услубий ёндашувлар.* Корхона фонд портфелининг диверсификацияси. Корхона фонд портфели самарадорлигини баҳолаш. Қимматли қоғозлар портфелининг мониторинги. *Акционерлик жамияти (эмитент) қимматли қозғалари инвестицион жалб этувчанлигини баҳолаш.* Портфел инвестициялар билан боғлиқ рисклар ва уларни пасайтириш усуллари.

Корхоналарда молиявий режалаштириш

Корхоналар молиясини бошқаришда оператив (тезкор) молия режасидан фойдаланиш, унинг мазмуни ва аҳамияти. Корхонада бюджетлаштиришнинг мақсади ва вазифалари. Корхона молиясини бошқаришда оператив бюджетларнинг таснифи ва

мазмуни. *Молиявий режалаштириги тамойиллари ва усуллари*. Узбекистан Республикасида молиявий режалаштириш амалиётининг таҳлили *Молиявий режаларнинг турлари ва мазмуни*. Молия режасига илова қилинадиган ҳисоб-китоблар. Молия режаси бажарилишини назорат қилиш ёки даромад ва харажатларини баланслаштириш учун тузиладиган шахмат-текширув жадвали.

Корхоналар фаолиятида бизнес-режа

Корхоналарда бизнес-режа тузишнинг аҳамияти ва моҳияти Бизнес-режани тузиш услуги. Бизнес-режанинг бўлимлари ва уларнинг таснифи. *Бизнес-режада ишлаб чиқариш жараёни*. *Бизнес-режа таркибида молия режасининг аҳамияти ва вазифалари*.

3. АМАЛИЙ ВА СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ, ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИ, ЧИЗМА ҲИСОБ ИШЛАРИ, КУРС ИШ (ЛОЙИҲА)ЛАРИ МАВЗУЛАРИНИНГ РҲЙХАТИ

Амалий (семинар) машғулотлари мавзулари рўйхати «Корпоратив молияни бошқариш» фанининг предмети ва вазифалари

Фаннинг предмети ва вазифалари*. Молия тизимининг шаклланишида корпоратив молияни бошқаришнинг тутган ўрни ва моҳияти*. Корхонанинг молиявий механизми. Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида корпоратив молияни бошқаришни ташкил этиш асослари, уларни шакллантириш ва бошқаришни такомиллаштириш чера-тадбирлари.

Корпоратив молияни бошқаришни ташкил этиш ва шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Корхоналар молиявий муносабатларининг мазмуни. Корхоналар ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва уларнинг корхоналар молиявий муносабатларининг ўзига хос хусусиятларига таъсири. Акционерлик жамиятлар (очиқ ва ёпиқ акционерлик жамиятлари) молияси. Кўшпмча масъулиятли ва масъулияти чекланган жамиятлар молияси. Кичик корпоратив молияни бошқариш. Хусусий корпоратив молияни бошқариш. Корхоналарнинг бюджет, нобюджет фондлари, тижорат банклари ва бошқа муассасалар билан муносабатлари. Корхоналардаги молия хизматининг функцияси ва вазифалари.

Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари, уларни режалаштириш ва молиялаштириш

Корхоналарда «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи таркибига киритилувчи харажатлар таркиби тугрисидаги Низом» га асосан харажатлар таснифи*. Корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари таркиби, бўлим ва моддалари. Корхоналарнинг асосий фаолияти бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари сметасини тузиш тартиби Корхоналарнинг асосий фаолияти бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган харажатларни режалаштириш ва молиялаштириш. Маҳсулот таннархини шакллантириш жараёнларини бошқариш ва назоратни амалга оширишда молия менежментининг роли ва аҳамияти

Корхонада пул тушуми, уни режалаштириш ва тақсимлаш

Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида корхоналар фаолиятида баҳолар тизими, унинг таркиби ва баҳонинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар*. Корхонада маҳсулот сотишдан тушган тушумни режалаштириш*. Оддий ва иқтисодий ёки аналитик услуб. Маҳсулот сотишдан тушган тушумни тақсимлаш тартиби*.

Корхоналарда фойда ва рентабеллик

Корхоналар фойдасининг мазмуни, моҳияти, функциялари Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида корхоналар фойдасининг аҳамияти. Фойда - соф даромад сифатида. Корхоналар фойдасининг турлари ва уларнинг хусусиятлари. Корхона ялпи фойдасининг моҳияти ва аҳамияти. Корхона соф фойдасининг моҳияти ва аҳамияти. Фойданинг тақсимланиши ва ишлатилиши тартиби. Корхона фойдаси шаклланишига таъсир этувчи омиллар ва уни кўпайтириш имкониятлари. Корхона фойдасини режалаштириш асослари.

Корхоналар даромади (фойдаси)ни солиққа тортиш

Корхоналар даромади (фойдаси)дан тўланадиган солиқларнинг туркумлаштирилиши. Солиққа тортилувчи фойда миқдорини аниқлаш. Амалдаги солиқ қонунчилигида корхоналар учун мавжуд солиқ имтиёзлари ва улар амал қилишининг самарадорлиги таҳлили. Корхоналарнинг фойда солиғи бўйича бюджетга тўловларини ҳисоблаш ва ўтказилиш тартиби. Корхоналарнинг самарали фаолиятини рағбатлантиришнинг солиқ механизми. Корхоналарнинг солиқ юки ва уни камайтириш имкониятлари таҳлили.

Корхоналарда баҳони ташкил этиш

Бозор иқтисодиёти шароитида баҳони шакллантириш омиллари ва хусусиятлари*. Бозор тараққиёти босқичларига кўра баҳо шаклланишининг хусусиятлари: тажриба-синов босқичида баҳо сиёсати, экпансия босқичида баҳо сиёсати, ортиқча ишлаб чиқариш шароитида баҳо сиёсати, стагнация ва ишлаб чиқаришнинг қисқариши шароитида баҳо сиёсати. Ишлаб чиқариш харажатларнинг баҳо шаклланишига таъсири. Корхона фойдасининг баҳо шаклланишига таъсири*. Корхонанинг баҳо сиёсати ва баҳони шакллантириш стратегиями. Харидорларнинг баҳо даражасига мойиллиги. Баҳони ҳисоблашда риск даражасининг баҳоланиши. Корхонада баҳони шакллантириш стратегиясининг тўғри танланиши.

Корхоналарнинг ўз капиталини бошқариши

Корхона ўз капиталининг таркибий тузилиши, моҳияти ва корхона молиясини бошқаришдаги аҳамияти. Корхона ўз капиталини шакллантириш сиёсатининг асосий вазифалари ва ҳозирги замон муаммолари. Корхона ўз капитали алоҳида элементларининг молиявий баҳоланилиши. Корхона эмиссия сиёсатининг долзарб вазифалари ва ҳозирги замон муаммолари. Корхона дивиденд сиёсатининг мазмуни, вазифалари ва ҳозирги замон муаммолари*. Корхона ўз капиталидан фойдаланиш самарадорлигини молиявий баҳолаш мезонлари.

Корхона молиявий активларини бошқариш

Корхона молиявий инвестицияларининг зарурлиги, моҳияти ва шакллари. Корхона қимматли қоғозлари портфеллари ва инвестицион стратегияларининг турлари. Акционерлик жамияти қимматли қоғозлари портфелини бошқаришга услубий ёндашувлар. Корхона фонд портфелининг диверсификацияси*. Корхона фонд портфели самарадорлигини баҳолаш. Қимматли қоғозлар портфелининг мониторинги. Акционерлик жамияти (эмитент) қимматли қоғозлари инвестицион жалб этувчанлигини баҳолаш. Портфель инвестициялар билан боғлиқ рисклар ва уларни пасайтириш усуллари.

Корхоналарда молиявий режалаштириш

Корхоналар молиясини бошқаришда оператив (тезкор) молия режасидан фойдаланиш, унинг мазмуни ва аҳамияти. Корхонада бюджетлаштиришнинг мақсади ва вазифалари. Корхона молиясини бошқаришда оператив бюджетларнинг таснифи ва мазмуни*. Молиявий режалаштириш тамойиллари ва усуллари. Ўзбекистон Республикасида молиявий режалаштириш. Молиявий режаларнинг турлари ва мазмуни. Молия режасига илова қилинадиган ҳисоб-китоблар. Молия режаси бажарилишини

назорат қилиш ёки даромад ва харажатларни мувофиқлаштириш учун тузиладиган шахмат-текширув жадвали.

Корхоналар фаолиятида бизнес-режа

Корхоналарда бизнес-режа тузишнинг аҳамияти ва моҳияти*. Бизнес-режани тузиш услуги. Бизнес-режанинг бўлимлари ва уларнинг таснифи. Бизнес-режада ишлаб чиқариш жараёни. Бизнес-режа таркибида молия режасининг аҳамияти ва вазифалари.

4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА-НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ РЎЙХАТИ

"Корпоратив молияни бошқариш" фанидан дарсларни ташкил этишда кўргазмани воситалар, слайдлар, диафильмлардан фойдаланиш кўзда тутилган. Айрим мавзуларни ўрганиш компьютер техникаси асосларидан ҳам фойдаланишни талаб этади.

Таҳлиллар, прогнозли кўрсаткичларни ҳисоблаш, диаграммаларни персонал компьютерда электрон жадвалларда Excel 7,0 пакети билан ишлаш орқали ёрқин намоён этилиши мумкин.

Шу билан бирга талабалар "Право", «Норма» тизимлари орқали молиявий қонунчилик янгиликларидан хабардор бўлишлари ва ўқиш жараёнида улардан фойдаланишлари мумкин.

Case Studies Ўзбекистан Республикасида молия тизимига ва Корпоратив молияни бошқаришга оид ўқув мисоллари (рус тилида) Молия Вазирлиги хомийлигида "Бюджет-солиқ сиёсати" Маркази томонидан тузилган

Масофавий ўқитиш соатлари: WWW.google.ru (Россия Федерацияси менежмент ва бозор академияси "Молия менежменти илмий тадқиқот институти" дастурлари (муаллифлар раҳбари акад Е. Стоянова)), WWW.Yandex.ru; WWW.rumbler.ru; WWW.worldbank.org.ru; WWW.imt.org.

Компакт диск: Sales information International Monetary Fund -Publication Services, Exchange Rate Analysis with a Case Study on Poland

Статистик тўпламлар:

1. Социально-экономическое развитие Республики Узбекистан за 2000, 2001, 2002г.

1. Промышленность Республики Узбекистан за 2000, 2001, 2002г.

5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Талабаларни фан бўйича ўзлаштиришларини баҳолаш семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ва жорий, оралиқ ҳамда якуний баҳолаш орқали амалга оширилади. Жорий ва оралиқ баҳолашга баллар миқдори ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг 70%, якуний баҳолашга эса 30% миқдорда белгиланади. Жорий ва оралиқ баҳолаш учун ажратилган баллар куйидаги мезонлар асосида қўйилади:

- талабанинг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;
- амалий (семинар) машғулотларга тайёргарлик даражаси;
- фан бўйича асосий манбаларни конспектлаштириши;
- долзарб мавзулар бўйича рефератлар ёзиш;
- илмий тезислар тайёрлаши;
- мустақил таълим учун берилган назорат ишларини бажариши;
- фан бўйича кўргазмани қуролларни тайёрлаш.

Таянч ибораларга асосланган ёзма ишни ўтказиш тартиби «Рейтинг тизимини яқуний баҳолаш босқичида «Ёзма иш» усулини татбиқ этиш бўйича «Намунавмй Низом» билан белгиланади. Семестр давомида фанлар бўйича тўплаган баллар қуйидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади:

86 - 100 фоиз - «аъло»;

71-85 фоиз - «яхши»;

55 - 70 фоиз - «қониқарли»;

55 фоиздан кам - «қониқарсиз».

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 46 1992
2. Каримов И.А. Ўзбекистан: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. - Т.: Ўзбекистан, 1996.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
4. Каримов И.А. Ўзбекистан буюк келажак сари. - Т.: Ўзбекистан, 1998.
5. Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистан Республикасининг 2003 йилда ижтимоий- иқтисодий тараққиётининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Маҳаллий бюджетларнинг параметрлари тўғриси»даги 455-сонли қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунчилиги. - Т.: Ўзбекистан, 2001.
7. Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунчилиги. - Т.: Ўзбекистон, 2002.
8. Акрамов Э.А., Таиров А.Э. Экономические реформы Республики Узбекистан. - М.: ТОО Люкс-арт, 1998.
9. Анализ финансовых данных с помощью самоорганизующихся карт Гвидо Дебок, Тейво Кохонен и др. пер. с англ. - М.: Изд. Дом Альпине, 2000.
10. Хрупкий В.Е., Сизова Т.В., Гамаюнов В.В. Внутрифирменное бюджетирование. - М.: Финансы и статистика, 2002. Юрцева Т.В. Экономика некоммерческих организаций. — М.: Юрист, 2002. Бочаров В.В. Управление денежным оборотом предприятий и корпораций. —М.: Финансы и статистика, 2001. Бларк И.А. Основы финансового менеджмента. 2-изд. - Киев.: Ника-центр, 2001. Бригхэм Ю. Энциклопедия финансового менеджмента. Перс. англ. - М.: Экономика, 1998.
11. Статистика финансов. Под ред. В.Н.Салика. 2-е изд. —М.: Финансы и статистика, 2002. Бурков В.Н. и др. Модели и механизмы распределения затрат и доходов в рыночной экономике. 2-изд. - М.: Изд. Инст-та пр. упр, 2001. Дробозина Л.А. Финансы. Уч. для ВУЗов. —М.: Банки и биржи, 2000.
12. Родионова В.М. Финансы. 3-изд. -М.: Финансы и статистика, 2001.
13. Сабанти Б.М. Теория финансов. Уч. пос. 2-изд. - М.: Менеджер, 2001.
14. Финансы. Уч. под ред. д.э.н. Ковалевой А.М. 3-изд. —М.: Финансы и статистика, 2001. Хеддервик К. Финансово-экономический анализ деятельности предприятий. Уч. под ред. Воронова Ю.Н. 3-изд. -М.: Финансы и статистика, 2001. Эрик Хелферт. Техника финансового анализа. Пер. с англ. Под ред. Белых Л.П. - М.: Аудит, ЮНИТИ, 1996.
15. 23, Шуляк П.Н. Финансы предприятия. Уч. 2-изд. —М.: Дашков и К, 2001.
17. 24. Бочаров В.В., Леонтьев В.Е. Корпоративные финансы. Уч. пос - СПб. Питер, 2002.

Қўшимча адабиётлар

1. Русак Н.А., Русак В.А. Основы финансового анализа. 2-изд. — Минск: ООО Миркаванне, 2001.
2. Креинина Н. Финансовый менеджмент. Уч. для вузоа 3-изд. — М.: Инфра-М, 2001.
3. Балабанов И.Т. Практикум по финансовому менеджменту. 2-изд. - М.: Финансы и статистика, 2000.
4. Финансовый менеджмент. Уч. под ред. Е. Стояновой. 2-изд. - М.: Инфра-М, 2001.
5. Сумароков В.Н. Государственные финансы в системе макроэкономического регулирования. 2-изд, —М.: Финансы и статистика, 2001.
6. Балабанов А., Балабанов И. Финансы. Уч. пос. -СПб.: Питер, 2002.
7. Бочаров В.В. Инвестиционный менеджмент. Уч. пос. -СПб.: Питер, 2002.

8. Бочаров В.В. Корпоративные финансы. Уч. посю -СПб.: Питер, 2002.
9. EBRD transition Report 1998 Financial sector in transition European Bank for Reconstruction and Development London, 1998.
10. Hermes N. Lesmk R. Financial System Development in Transition Economies Journal of Banking and Finance 24 pp 507-524
11. Moyer C Financial System Corporote Finance and Economic Development, in Assymetric information Corporate Finance and investment A National Buerau of Economic 1999 Research Project Report, University of Chicago Press Chicago PP 297-314.
12. Stenherr A. An innovatori package for Financial Sector Reforms in Eastern European Countries Jorunal of Banking and Financial 17 2001 PP 1033-1057.